

Бимий 1850 йили Андижоннинг кишлогида замонасининг ўқимишли оиласида тугилди. Ёшлигидан илм-фанга зўр хавас кўйган Абдураззок ўзбек, форс ва араб тилларини, шунингдек, классик мусика, хаттотлик илмини ҳам кунт билан ўрганади. Бимий ўз ижодини жуда эрта бошлайди. Катта истеъдоди ва меҳнати, тинимсиз изланиши туфайли замонасининг истеъдодли шоири сифатида танилади. Бимий асарларини тўплаб девон тузган. Аммо бу девоннинг излари топилганича йўқ. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Фаргона адабий ҳаракатчилигида маълум ўринни эгаллаган Абдураззок Бимий 1926 йилда вафот этган.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Ишк ичра у Мажнун ҳам парвона экан мендек,
Лайлини фирокида афсона экан мендек.

Гам тогида кон йиглаб, Ширин гамида Фарход,
Хасратда ўшал ошик хайрона экан мендек.

Ўртанди Зулайхо кўп Юсуфни фирокида,
Хар балдада дилдори бегона экан мендек.

Овораи хижронлар сахрои маломатда,
Муштоки висоли ул жонона экан мендек.

Эй махваши барнолар, жон куйдириб ошиклар,
Рухсорини шамъига парвона экан мендек.

Майхоналара келмиш махмура дарег этма,
Май сун кечалар мухтож паймона экан мендек.

Узрони гами бирла Вомикни дилу кўнгли,
Ишк офатида Бимий вайрона экан мендек.

* * *

Меҳри рухингни даврида зулфинг шикан-шикан,
Топар димогим анда насими Хўтан-Хўтан.

Лаъли лабингни даврида холингму ё магар,
Кавсар лабида килди каро куш ватан-ватан.

Ошuftа килди кеча тушумда димогими,

Ўйнаб сабо сунбулинг узра суман-суман.

Мужгон учи кадалди келиб сийна чокима,
Килмас руфуъ гунчани жайбин тикан-тикан.

Бердим кўнгилни ишкида жондин умид йўк.
Пироханимни ўлсам агар Кил кафан-кафан,

Лаълинг муяссар ўлмаса лабташнаргаким,
Суннат айлама сихри хароратини баман-баман.

Эй кўз асири ўлдинг ўшал гулузорни,
Бокдинг юзига эмди чекарсан михан-михан.

Ўлсам фироки тиги билан дафн айла мани,
Килсун танимни туъмаи чун зог заган-заган.

Нетсун фиғону нолалар этмай гар ўлсам,
Бу хаста Бимий, бўйнига зулфи расан-расан,

* * *

Бор эрди Абдураззок девонаҳў,
Ки девона эрмас, нек табъ, накў.

Биров топмас айбин атворидин,
Килур хажв ўз тўну дасторидин.

Бўлуб Хўканд анинг маскани,
Хажвгўйликдур шиор этгани.

Бу бахри тавил туркини килди ракам,
Маликзодадин топди ул дам карам.

* * *

Бир кун мен зори беёр гамхор, сахрода кўрдим бир инсон,
Ўз ўти бирла ўзи туташгон, гирён, урён, тирноги ўсгон.

Йиртиб яқосин, тирнаб ликосин, умри бакосин бермиш фанога,
Кўнгли маломат тошида сингон, ишк офатидин багри эзилгон.

Гар дийда эрди, охлар бошида сингон ошиёни.
Сахрони тутгон ўтлиг фиғони, сайр айлар бесабру сомон.

Бошидин олмиш ким хушин они, кетмиш кўлидин акли инони,

Окмиш кўзидин багрини кони, дарди нихони ўлмиш намоён.

Сўрдим бу кимни кўйида расво, йўк анда харгиз сабру шикебо,
Кўнглини дунё меҳридин узгон тарки ватандур, чун вокиф ўлон.

Фарёдидин танг бу дашту сахро, туфроги, ашки, селобидин кон,
Зохирда ўлмиш Мажнуни расво, ботинда Лайли ишкида султон.

Кам килма, Бимий, ишкини ёраб, куйингда Мажнун саргаштадин то
Доим сени деб, ишкингда йиглаб ўлсун макони дашту биёбон.

МУХАММАС

Мен асири гамзаи бир гулузор ўлдим яна,
Мубталои икки зулфи тобдор ўлдим яна,
Кунжи гам ичра туну кун интизор ўлдим яна,
Кўйида кон йигламай, найлайки, зор ўлдим яна,
Ох, бу ерда туролмай, бекарор ўлдим яна.

Васли умиди била чашмим тўкар чун ошкор,
Йиглагайман кечалар хижрони бирла зор-зор,
Колмади дарди фирокида инону ихтиёр,
Хасратида дилда дардим, кўз ёшимдур шашкатор,
Мен гирифтори ўшал Шириншиор ўлдим яна.

Ох, бир соат келиб, холинг нечун, деб сўрмади,
Келса негах, лоакал бир лахзае ўлтурмади,
Кечалар тортган фирокида азобим кўрмади,
Бошима шафкат ниhoли соясин солдурмади,
Найлайн, бир меҳрсиз ёра дучор ўлдим яна.

Ноз ила гулшанда очти оразин ул сарвиноз,
Олди хушимни бошимдин, айлади беимтиёз,
Лол ўлуб колдим килолмасдин бокиб ифшойи роз,
Кечти умри мустадоми хасратида кишу ёз,
Бу таманнолар била беихтиёр ўлдим яна.

Нолаю афгонима ерда башар, кўкда малак
Сабр этолмас, чарх уруб холимга йиглаб нўх фалак,
Мумкин эрмасдур гамим шархини айтмак як-баяк,
Мумкин эрмас хасрати Бимийни махсуб айламак,
Гуссау, гам накди бирла бешумор ўлдим яна.